

# УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДАГИ КУТУБХОНАЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ



**Хоназим Абдуллаева,**  
Республика илмий  
педагогика  
кутубхонаси Илмий  
ишлов бериш  
бўлими бошлиғи

Таълим муассасасининг кутубхонаси ахборот-кутубхоначилик таъминотини белгилаб берувчи таркибий маркази, медиатаълим, шахснинг ўз-ўзини жорий этишига ёрдам кўрсатувчи ахборот олиш маданиятини шакллантириш базаси саналади

Таълим тизими олдида замонавий ахборот-коммуникацияларидан фойдаланиш бўйича аҳолининг саводхонлигини ошириш вазифаси турибди. Бу саводхонлик, албатта, мактабдан бошланади.

Республикамиз халқ таълими томонидан мактаб кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш бўйича замонавий таълим ва унинг келажигига боғлиқ янгича ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда. Халқ таълими тизимида ахборот-кутубхона хизматини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш борасида бир қанча ишлар амалга оширилган.

Умумтаълим муассасаси кутубхонаси ишини режалаштириш кутубхона фаолиятининг асоси ҳисобланади. Бу истиқболдаги мақсад ва вазифаларни аниқлашга ва уларни бажаришга йўналтирилган фаолиятнинг асосидир. Кутубхона фаолиятини режалаштиришга доир ишлар бир неча босқични ўз ичига олади. Режалаштиришнинг айрим босқичларини кўриб чиқамиз:

## **Кутубхона миссиясини белгилаш**

Миссия – кутубхона нима эканлиги, у нимага интилиши, ўз фаолиятида қандай мақсад ва воситалардан фойдаланишга тайёр эканлиги ҳақида умумий тасаввур беради. Таълим муассасасининг кутубхонаси ахборот-кутубхоначилик таъминотини белгилаб берувчи таркибий маркази, медиатаълим, шахснинг ўз-ўзини жорий этишига ёрдам кўрсатувчи ахборот олиш маданиятини шакллантириш базаси саналади.

## **Мақсад ва вазифалар**

Бу бўлимга фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш, ахборот ва маълумотнома-библиография ишларини ташкил этиш, янги ахборот технологияларини жорий этиш ишлари киритилади. Ҳар йили режа асосида ушбу давр учун айрим долзарб иш йўналишларини киритиш мумкин. Масалан: янги ахборот техно-

логияларини ва кутубхоначилик-ахборот жараёнларини компьютерлаштириш, кутубхоначилик амалиёти шакллари, методлари ва технологиялари ассортиментини кенгайтириш, фойдаланувчиларни ахборотга, билимларга, гоёларга, маданий қадриятларга кириб боришларини таъминлашда, ижодий имкониятларини ривожлантиришда ёрдам бериш; кутубхона ривожлантириш учун лойиҳалар ишлаб чиқиш, алоҳида хизматларни амалга ошириш, ҳомийлар билан алоқалар ўрнатиш.

## **Устувор йўналишларни танлаш**

Бу бўлимга кутубхонанинг бутун фаолияти: фондларни шакллантиришдан тортиб, то кутубхоначи ходимларнинг малакасини оширишгача ишларини акс эттиради. Янгиликлар киритиш учун мавжуд бўлган имкониятларни аниқлаш, янги ахборот технологияларни умумтаълим муассасаси кутубхонасига мослаб жорий этиш.

## **Кутубхоначилик хизматлари ассортиментини, амалий фаолияти шакллари ва усуллари**

Бу бўлим режалаштиришнинг янада мураккаб ва масъулиятлироқ босқичи. У мутахассислардан юксак профессионализмни, излаш ва танлаш кўникмаларини талаб этади. Китобхонларни фикрлашга, мушоҳада юритишга мажбур этадиган фаол иш шакллари ва методларининг энг муҳимлари ҳисобланади. Бундай ишлар ўқувчилар ва педагогларни тадбирлар ўтказиш чоғида кўрсатиладиган умумий фаолиятга жалб этиш имконини беради.

Режалаштиришда китобхонлар томонидан сўраладиган кутубхонанинг маърифий иш шакллари, уларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этиш бўйича анъанавий хизмат кўрсатиш ишларига ҳам аҳамият бериш керак. Булар: учрашувлар, адабий кечалар, танловлар, баҳс-мунозаралар, суҳбатлар, библиографик шарҳлар, китоб ҳафталиклари.

Албатта, мана шундай кечалар, кўрик-тан-

ловларни ўтказиш, кутубхонага фойдаланувчиларни жалб қилиш учун реклама керак.

Кутубхона реклама фаолиятига қуйидагилар қиради:

- ташқи реклама (кутубхона фасадини безатиш);

- кутубхона ичида реклама (хоналар безатилиши, турли стендлар, кўргазмаларни жойлаштириш);

- реклама-ахборот материаллари (буклетлар, варақалар, плакатлар).

Кутубхона умумтаълим муассасаси педагоглар жамоаси ва ўқувчиларга ахборот библиография хизмати кўрсатади, болалар билан китоб ўқиш маданиятини тарбиялаш ишларини ўтказиш, фойдаланувчилар орасида библиографияга доир билимларни тарғиб этади.

Ахборот-библиография иши қуйидагиларни ўз ичига олади: маълумотнома-библиографик хизмат, библиографик хабар етказиш, библиографик рўйхатлар тузиш, кутубхона-библиография билимларини ўрганиш; китобхонларга зарур ахборотни қидириш учун хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган анъанавий ва электрон маълумотнома ва картотекалар йиғиндисидан иборат бўлган маълумотнома-библиография аппаратини ташкил этиш ва жорий қилиш.

Фойдаланувчиларни оғзаки, онлайн режимида, электрон почта орқали маълумот олиш имкониятлари билан таништиришда ёрдам берувчи ўқув-маслаҳат хизматларини амалга ошириш. Бунда қуйидаги фаолият турларидан фойдаланиш мумкин: маслаҳатлар, семинарлар, маърузалар, дарслар, экскурсиялар ташкил этиш; «Шахснинг ахборот олиш маданиятини шакллантириш» дастури бўйича ишларни ташкил қилиш.

Фойдаланувчиларга кутубхона-библиографик хизмат кўрсатишни ташкил этишда қўллаш мумкин бўлган иш шакллари ва услулари:

- суҳбатлар, баҳслар, мунозаралар;  
- адабий ўйинлар, интеллектуал, касбга йўналтирувчи;

- тарихий клублар, ўлкашунослик ва бошқалар;

- журналлар, китоблар, мақолалар.

Кутубхона-библиография хизматининг жиддий таркибий қисми кутубхоналарнинг кўргазма фаолияти ҳисобланади. Кутубхона кўргазмаси, бу кутубхона фойдаланувчиларига кўриш ва танишиш учун тавсия қилинадиган махсус танланган ва тизимлаштирилган нашр асарлари ва бошқа ташувчилардан ахборотлар намойишидир.

Янги ахборот технологияларнинг жорий этилиши кутубхоналарда ахборот хизматларининг янги шакл ва методлари жорий қилинишига олиб келди.

Ҳозирги кунда ахборот технологиялари, Интернет, телекоммуникациялардан фойдаланган ҳолда, кутубхонада хизмат кўрсатишнинг кўп усуллари мавжуд. Улар қуйидагилар:

- Электрон каталогга кириш

Бугунги кунда, ҳар бир инсонга ахборот олиш маданиятини эгаллаш зарурияти туғилган бир пайтда кутубхоначиларда ўргатувчилик имкониятининг ортиши, ўқувчиларга ҳам, ўқитувчиларга ҳам кутубхоначилик соҳасидаги янгиликларни етказиб туриш, анъанавий каталоглар қатори электрон каталогларнинг юзага келаётганлиги. Кутубхоначининг бунда каталогларнинг имкониятидан китобхонларни воқиф этиб бориши талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим тизимида педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчилари, оналар, кутубхоначилар, умуман, жамият барча аъзоларининг ўз устларида муттасил иш олиб боришлари жадал ахборотлашув жараёни кечаётган бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади.

Умумтаълим мактабларидаги таълим самарадорлиги кўп жиҳатдан педагог кадрларнинг билим-савияси, янги ахборот технологияларини мукамал эгаллаш даражасига боғлиқ. Шунинг учун педагог, ўқув фанлари ўқитувчилари ва кутубхоначилар ўз касбий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириб боришлари зарур.

Кутубхона умумтаълим муассасаси педагоглар жамоаси ва ўқувчиларга ахборот библиография хизмати кўрсатади, болалар билан китоб ўқиш маданиятини тарбиялаш ишларини ўтказиш

Кутубхона кўргазмаси, бу кутубхона фойдаланувчиларига кўриш ва танишиш учун тавсия қилинадиган махсус танланган ва тизимлаштирилган нашрлари ва бошқа ташувчилардан ахборотлар намойишидир

### **Абдуллаева Хоназим, заведующая отделом научной обработки Республиканской научно-педагогической библиотеки**

*В данной статье рассматривается инновационная деятельность библиотек общеобразовательных учреждений. Статья наиболее полно отражает аспекты модернизации и оптимизации Закона Республики Узбекистан «Об информационно-библиотечной деятельности». Особое внимание в статье уделяется планированию деятельности библиотек по вопросам координации работы с информационно-ресурсными центрами при проведении массовых мероприятий, направленных на формирование информационной культуры учащихся. ■*